

БАҲОДИР АБДУВАЛИЕВ

ОРИЯТ

ҲИКОЯЛАР, ҲАЖВИЯЛАР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент

2017

УЎК: 821.512.133-7

КБК: 84(5Ў)7

А – 15

Абдувалиев, Баҳодир

Орият: ҳикоялар, ҳажвиялар / Б.Абдувалиев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 140 б.

ISBN 978-9943-20-214-6

Баҳодир Абдувалиев шеърий асарлари билан китобхонларга яхши таниш.

Шоир ижодий фаолиятида ҳажвий асарлар, ибратли ҳикоялар ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг ҳажвий асарлари «Табассум» радиожурналида, телевизион миниатюралар театрида қўйилиб, халққа манзур бўлган.

Ҳажвий асарларда ҳаётда учраб турадиган баъзи кулгили ҳолатлар, иллатлар танқид қилинади, ибратли ҳикояларда эса фалсафий, теран ҳулосалар кишиларнинг ҳаётий ҳақиқатлар ҳақида ўйлашга, таҳлил қилишга ундайди.

УЎК: 821.512.133-7

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-20-214-6

© Б.Абдувалиев, «Орият». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

ПОК НИЯТ БИЛАН

Ижодкор учун радио катта майдон – жуда кенг аудитория ҳисобланади. Ўз вақтида ижодкорлар учун «Табассум» радиожурнали ана шундай алоҳида ўрин тутган.

Биз актёрлар машҳур ёзувчи ва ҳажвчилар билан доимо ҳамкорликда ижод қиламиз. Жумладан, Неъмат Аминов, Алп Жамол, Элбек Мусаев, Эргаш Раимов ва бошқаларнинг ичақузди, юморга бой асарларини «Табассум» радиожурналида ижро этиб, эл кўнглини олишга муваффақ бўлган эдик.

Республикамизнинг турли бурчакларидан ҳам ёзувчи, ҳажвчилар бизга ўз ижод намуналарини йўллашар эди. Улар орасидан биз асл ҳажвияларни, интермедияларни саралаб олар эдик. Бекобод туманида яшаб ижод қилаётган Баҳодир Абдувалиевнинг юмористик асарларидан ҳам кўп бора фойдаланганмиз.

Бошқа ижодкорлар қатори Баҳодирнинг ижоди ҳам шу ерда пишди, десам хато бўлмайди. Унинг асарлари эл ичида яхшилиқни тараннум этувчи, маърифатга чорловчи, адабиёт ва санъатни севишга даъват этувчи ва юморга бойлиги билан эътиборни тортар эди. Биз – Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев (уларни худо раҳматига олган бўлсин) ва мен Ҳусан Шариповлар Баҳодирнинг интермедияларида мириқиб рол ижро этар эдик. Айниқса, унинг «Достон ёздим», «Дакки ейсиз», «Ўжар Қорқиз», «Элакка чиққан хотин» ва «Масала ечилди» деб номланган интермедия ва ҳажвиялари элга манзур бўлган эди.

Бу асарларда эл орасида кам бўлса-да учраб турадиган баъзи салбий иллатлар, ҳолатлар ҳажв остига олиниб, бой юморга йўғрилган эди. Бу асарлар бизнинг ижромизда янада куч олиб, нишонга бориб тегар эди.

Бугунги кунга келиб, Баҳодир Абдувалиевнинг ҳам, менинг ҳам сочимизга оқ тушган. Баҳодир оппоқ соч билан, оқ тилак ва пок ният билан ўтмишдаги ижод намуналарини жамлаб, китоб ҳолига келтирмоқчи бўлган экан, мен унга омад тилайман. Ижод йўлида ҳорманг, толманг дейман.

Азиз китобхон! Биз бу ҳикоя, ҳажвия ҳамда интермедияларда рол ижро этиб, халқимиз кўнглига хушнудлик бахшида қилган бўлсак, сиз азизлар уларни ўқиб, ўқиб юзингизга табассум югуриши табиий.

*Ҳусан ШАРИПОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби*

ҲИКОЯЛАР



НИЛУФАР

«Запорожец»га сафар анжомларини жойладим. Полиэтилен халтага ўралган полотнони машина устидаги «багажник»ка маҳкам боғладим-да, йўлга чиқдим.

Тоғлар оралаб юқорига кўтарилиб, кичик, аммо жуда гўзал бир қишлоққа етиб бордим. Ҳозиргина ёғиб ўтган ёмғирдан кейин дарахт ва майсалар япроқларидаги биллур томчилар, қоя тепасида сузиб бораётган паға-паға булутлар, гоҳи-гоҳида булутлар орасидан таралаётган қуёш нурлари жилоланарди.

Табиатнинг бу манзарасини полотнога тушириш учун қулайроқ жойга ўрнашиб, мўйқаламни ишга солдим. Бирорта ҳам кўринишни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилардим. Бунини қарангки, асарим мазмунини белгиловчи қаҳрамонларим ўтирадиган жой – тошсупа шундоққина қаршимда турарди. Водийни нурга чўлдирган қуёш уфққа оға бошлади. Шу пайт сой бўйида бир қизнинг шўх кулгиси эшитилди. Мен беихтиёр ўша томонга қарардим. Қизнинг қўлида бир даста гул, у қочарди. Йигит эса уни қувларди-ю, бироқ ҳеч етолмасди. Охири йигит чарчаб, туриб қолди. Қиз эса қотиб-қотиб куларди. Яна югуришиб, бир-бирини қува-қува тошсупа устига чиқишди. Қиз йигитга гул узатди. Улар висол онларининг сирли оғушида маст эдилар.

Мен эса чизаётган асарим қаҳрамонларини уларга ўхшатгим келди. Шоша-пиша чиза бошладим. Улар мени кўриб қолишди. Севишганларни имлаб чақирдим, ийманибгина олдимга келишди. Саломлашдик. Кейин қиз бирданига: «Вой, Зулфия опамлар-ку!», деди ҳали мўйқалам сайқали ниҳоясига етмаган полотнога қараб.

– Ҳа, ёнидагиси Ҳамид Олимжон, – дедим мен.

– Бу қанақа гул? Унинг ўрнига лола чизсангиз бўлмасмиди? – деди қиз суратдаги ҳали тугаланмаган гулга қарар экан.

– Тўғри, жуда чиройли бўларди-да, – қизнинг гапини маъқуллади йигит.

– Чирой бошқа, ғоя бошқа, – дедим чизишда давом этиб. – Зулфиянинг Ҳамид Олимжонга бераётган бу гул нилуфар деб аталади. Унинг гуллари пушти, сариқ, оқ ва бинафша рангда бўлади. Бу ўсимлик қадим-қадим замонлардан Осиё ва Африка қитъалари халқларининг сеvimли гули бўлиб келган. У назм ва насрда куйланган. Тошни йўниб, бўёқларда акс эттирилган. Нилуфар гулининг номида Осиё ва Африка ёзувчилари ассоциациясида адабиёт мукофоти ташкил этилган бўлиб, Зулфия опа шу мукофотга сазовор бўлган. Менинг асаримда бу гул содиқлик рамзи сифатида ҳам яшнаб туриши керак.

Бу икки меҳмоним чодир ўрнатишга ёрдам беришди. Ширингина суҳбат қурдик. Қош қорайгач, улар кетишди.

Орадан уч йил ўтгач, яна шу водийга боришга тўғри келди. Гўзал тоғ орасида жойлашган қишлоққа кираверишда қаршимдан ўша эски икки танишим – Ширин билан Икром жажжи қизалоғини етаклаб келишарди. Мен машинани тўхтатдим. Улар менга пешвоз чиқишди. Биз қуюқ сўрашдик. Қизча менга қараб талпинди.

Мен уни даст кўтариб олдим. Шунда Ширин жилмайиб:

– Қизчамизнинг исми Нилуфар, – деди...

УЧРАШУВ

Томонлар келишуви бўйича борди-келди, салом-алиқдан кейин қиз билан йигитни учрашувга тайёрлашмоқда.

Куёв бўлмиш Убайдуллага келинойиси Барнохон билан ўртоғи Анвар хизматда.

Келин бўлмиш Зубайдахонларнинг уйида ҳам шу иш бўйича келинойи ва дугоналар билим ва заковатини ишга солмоқдалар.

– Уф, – деди Зайнаб келинойиси келиннинг дугонаси Сайёрага қараб. – Қаранг, шу кўйлаklarнинг қайси бири билан учрашувга бориб бўлади, – деб бир тўда кўйлаklarни кўрсатди. – Бештасини бели йўқ, тўрттасини этаги йўқ, қолганларида эса ёқа йўқ.

Чиндан ҳам вазият нозик. Пардоз-андози жойида бўлса-ю, шунга яраша бирорта кўйлаги бўлмаса.

– Шим кийсин десак, куёв томон шим кийган қизларни унча хуш кўрмас эмиш, – деди келинойиси баттар сиқилиб.

Узоқ маслаҳат ва тортишувлардан кейин келинойисининг ёқаси, бели ва этаги рисоладаги-дек кўйлагини киядиган бўлди. Туфли ҳам катта можарога сабаб бўлишига сал қолди. Эски мода, деб ташлаб қўйган оқ туфлиси асқатди.

– Мана шу оқ туфлиси кўйлакка мос тушди, – деди дугонаси Сурайё. – Оқ туфлининг у ёқ бу ёғига қараб. – Қани, кий, сумкани елкангга ос-чи!

Зубайда юзини буриштириб туфлисини кияди.

– Ҳа, баракалла, Кумушбиби бўлдинг-қолдинг,
– деб кўйлақ этагини тортиб қўйди Сурайё.

– Аста ва майда қадам ташланг. Дарров тас-
лим бўлманг, камроқ гапириб, кўпроқ тингланг,
– деб келинойиси учрашувга тайёр бўлган Зу-
байдага ойна тутди.

– Ўхў, – деди Зубайда ўзига ўзи маҳлиё бўлиб.

– Бўлади, қани кетдик, – деди Сурайё. – Куёв
томон кутиб қолишмасин.

Куёв томонда ҳам иш қизгин.

– Сиз бўлғуси куёвсиз, – деб гап бошлади Убай-
дулланинг келинойиси Барнохон. – Вазмин бў-
линг! Ширин гаплардан гапиринг! Борди-ю, гап
тополмай қолсангиз, гапни сериалларга буринг.
Образларнинг бесўнақайинимас, ўнақайларини
гапиринг!

– Келинойинг тўғри айтяптилар, – гапни илиб
кетди куёвнинг ўртоғи Анвар. – Яна қовун ту-
шириб ўтирма. Ҳа, айтганча, иккита рўмолча
олвол. Бири билан оғзингнинг атрофини, бири
билан кўзингнинг бурчагини артасан. Борди-ю
хижолат бўлиб терласанг, терни артишга ҳам
асқатади. Дадил бўл, сўлжайиб ўтирма, – деб ёқа
ва галстугини тўғрилаб қўйди.

Томонлар ўз номзодларини келишилган жойга
олиб келиш учун йўлга тушишди. Зубайда ҳали
куёв болани кўрмагани учун бироз хавотирда
эди.

«Борди-ю бўйи паст бўлса-я ёки сўйлоқ тишми-
кан. Йўқ, йўқ. Агар шундай бўлса, тўй бўлмайди»

Шундай хаёл билан Зубайда куёвнинг қарши-
сидан чиқиб қолганини ҳам сезмай қолди. Қара-
са, бекларга ўхшаш барно йигит.

«Нега шу пайтгача қизни менга кўрсатишма-
ди экан. Балки сепкиллидир ёки бирор нуқсо-
ни бормикан. Борди-ю шундай бўлса, сиз менга

тўғри келмадингиз, дейману, орқага қайтаман», деб йигит ўйланиб кетаётган эди, қараса, қаршисида фаришта турибди.

Убайдулла гўё ҳайкалдек қотиб қолди. Лекин тезда ўзини қўлга олиб тилга кирди.

– Зубайда сизмисиз?

– Ҳа, менман, сиз Убайдулла акамисиз? – деб сўради у ҳам қисиниб-қимтиниб.

– Кўриб турганингиздек. Мана бу гул сизга, – деб у қизга гул узатди.

Зубайда гулни олаётиб, раҳмат, деди қалтироқ овозда. Ҳаяжонланганидан рўмолчасини ерга тушириб юборди.

Убайдулла рўмолчасини олиш учун ерга энгашди. Аммо қиз ҳам шу мақсадда энгашган эди. Икки пешона даранглаб бир-бирига тегди.

– Вой, – деди қиз пешонасини ушлаб. У оғриқдан чўчиб тушмади, йигитнинг тафтини туйиб энтикиб кетди.

– Кечирасиз, – деди Убайдулла қизнинг гулдай ифорига маст бўлиб. Бироз сукутдан сўнг Убайдулла гап бошлади.

– Бирор жойда ўтирайлик!

– Ҳа, майли, ўтирайлик, – рози бўлди Зубайда. Убайдулла ўриндиққа ҳали етмаёқ ширин суҳбат бошланиб кетди. Гап ўргатувчиларнинг гаплари урвоқ ҳам бўлмади. Ўзлари гап топишди.

Суҳбат ниҳоялаб қолганда, Убайдулла:

– Зубайдахон, ака-ука, опа-сингилларингиз ҳақида сўзлаб беринг, – деб илтимос қилди.

– Биз, – деб гап бошлади Зубайда, – оилада ўн нафар фарзандмиз. Мен иккинчисиман. Акам ва укаларим тўққизта. Ҳаммаси ўғил. Файзулло, Сайдулло, Нарзулло, Хайрулло, деб санай бошлади.

– Тўхтанг, тўхтанг, – деди Убайдулла, – сиздан илтимос, ойингизга айтсангиз, агар мабодо яна фарзанд кўрсалар ва шу фарзанд ўфил бўлса, унинг исмини Астаффурилло деб қўйсинлар...

Зубайда қоп-қора кўзларини пирпиратганча Убайдуллага қадади. Аста ўнг томонга бурилиб овоз чиқармай кула бошлади.

Убайдулла бўлса хахолаб, қотиб-қотиб куларди.

Улар узоқ кулишишди.

Кейин нима бўлди, дерсиз. Нима бўларди. Чиройли тўй бўлди-да!

ЧИНОР ОСТИДАГИ СУҲБАТ

Чинор учидаги сарғайган барг чирт узилди. Барг чирпирак бўлиб чинор пойига бош қўйишга шошиларди: етиб келмади, уни дайди шабада узоқларга учириб кетди.

Шу пайт хаёлимни баргларни эзфилаб келаётган нафис оқ туфли бузди. Беихтиёр туфли эгасига қарадим. Қадди-қомати келишган бир қиз билан қотмадан келган қорача йигит суҳбатлашиб келишмоқда эди.

Улар менинг қарши томонимдаги ўриндиққа келиб ўтиришди.

– Сиз худди Рейте Фария сингари гўзалсиз, – сўз бошлади йигит.

– Рейте Фария ким? – сўради қиз йигитдан.

– Эшитмаганмисиз? – йигит астойдил берилиб сўзида давом этди. – 1966 йили Англиянинг Лондон шаҳрида 17-23 ёшли қизлар орасида гўзаллар танлови ўтказилди. У ерда жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган қизлар қимматбаҳо тошлар билан безатилган чўмилиш кийимида, кўлларида ўз Ватанлари байроғини кўтаришиб, қоматларини кўз-кўз қилишган. Бу



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4129> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4129> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4129>